

## Роббимнинг қудрати



14:00 / 04.08.2022 3104

Помидор фақат қизил бўлади деб ўйлармидингиз?

Бу расмда турли рангдаги помидорлар акс этган.

Субҳаналлоҳ!

Ҳаммаси бир сувдан суғорилади.

Роббимиз Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

نَاوْنَصُ زَيْعًا وَاوْنَصُ لَيْحًا وَاوْنَصُ رَزْوَبًا نَّعْأَنَّ تَانَجًا وَتَارَوَاجًا تَمْ غَطِقَ ضَرَّالْاِي فَو  
مُوقِّلِ تَايَآلَ لَدَي فَنَلْ كُأَلَا ي فِ ضَعَبِ لَعَاةَ ضَعَبُ لَضَفْنَا وِدِحَاوْ ءَامَبِ ي قُسُي  
نَوْلِقُعَي

**«Ва ер юзида қўшни бўлақлар бор. Шунингдек, узумли боғлар, экинзорлар, шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, бир хил сув ила суғориладилар ва таъмда уларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилурмиз. Бунда, албатта, ақл юритувчи қавмлар учун оят(белги)лар бордир»** (Раъд сураси, 4-оят)

Ер юзидаги турли рангдаги мева, сабзавотларнинг ранги, шакли, ҳажми, таъми бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, бу помидорларнинг таъми

ҳам бир-биридан фарқ қилса керак. Валлоҳу аълам.

Аллоҳ таоло бир турдаги сабзаотни турфа рангда қилиб яратган ва бу Аллоҳ таолонинг қудратига далолат этади!

Шунинг ўзиёқ Роббимизнинг Қодийр, Холиқ, Мусаввир, Бориъ Зот эканига улкан далиллардан биридир!

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**